Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2022 йил 16 июнь пайшанба
№ 76 (4672)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

# «ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР»

## иншолар танлови қизғин паллага кирди

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Халқаро ислом академияси ҳамкорлигида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилаётган «Ватанни севмоқ иймондандир» иншолар танловининг республика босқичи қизғин паллага кирди.**



Саидакбар Абдураҳимов олган сурат

Иштирокчилар дастлаб пойтахтимиздаги «Chinobod plaza» санаторийсида зиёлилар билан мулоқотлар ўтказди. Ёшлар бу ерда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Абдусаид Кўчимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммад, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов ва бошқалар билан мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

Ўзбек Миллий академик драма театридаги «Жалолиддин Мангуберди» спектакли намойиши, «Tashkent city»га саёҳат барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг иккинчи куни «Янги Ўзбекистон» боғи, «Ғалаба» ёдгорлик мажмуасига саёҳат уюштирилди. Саёҳат мобайнида талабалар «Истиқлол» монументи ва «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ислом цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳам ташриф буюрилди. Ташриф асносида бир қатор сиёсий ва диний арбоблар билан мулоқотлар уюштирилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров, Халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комиловларнинг маърузалари талабаларнинг билим ва савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун танлов қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзусида иншо ёзишади.

Эртага эса танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилиши режалаштирилган.

«Ishonch»нинг навбатдаги сонида танлов жараёнлари, талаба-ёшларнинг таассуротлари ва ғолиблар ҳақида батафсил ҳикоя қиламиз.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«ISHONCH»

---

Андижон вилояти

Хушхабар



## Ҳомийлар кўмагида

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши тасарруфидаги «Боғишамол» болалар оромгоҳи Андижон туманида жойлашган бўлиб, бу ерда бир навбатда 200 нафар ўқувчи дам олади.**

Шу кунларда туманда вилоят ҳокими ташаббуси билан «Ниҳол» оромгоҳи ҳам иш бошлади.

«Водий фаол ёшлари маркази»да фаолият бошлаган 150 ўринли мазкур масканда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Оромгоҳнинг дастлабки «қалдирғочлари» «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари бўлиб, улар саховатпеша ҳомийлар маблағи ҳисобидан ҳордиқ чиқаришмоқда.

Энди ёзги дам олиш мавсумида тумандаги мактаб ўқувчиларидан 1 минг 750 нафари ушбу сўлим оромгоҳларда беғубор болаликнинг бахтли онларини ҳис қилиб, дам олишлари мумкин.

**Анваржон ҲАЛИМОВ,**
«ISHONCH»

---

Фарғона вилояти



Ёзги соғломлаштириш

## «Чимён»да тотли дамлар

**Фарғона туманидаги «Чимён» болалар соғломлаштириш оромгоҳи илк дам олувчи ўғил-қизларни ўз бағрига олди.**

Оромгоҳда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Биринчи навбатда, оромгоҳ ҳудудидаги тоза ичимлик сув иншооти янгиланди. Футбол майдонига чим экилди. Шунингдек, волейбол, баскетбол майдонлари ободонлаштирилди.

Сўлим гўшада спорт ва санъат билан шуғулланиши учун турли тўгараклар, инглиз ва рус тили, адабиёт фанлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилган. Болалар адабиётига тўла кутубхона дам олувчилар ихтиёрида.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

---

Хоразм вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

## «ИНДИВИДУАЛ ДАСТУР» АСОСИДА

### муаммолар аниқ вақт ва тартибда бартараф этилади

**Янгибозор туманилик Зуҳра Сададдинова оиласи фарзандлари билан дала шийпонида яшаб келаётган эди. У «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида уй-жойга муҳтож аёл сифатида рўйхатга киритилди. Қисқа фурсатда уйлик бўлди ҳам.**



Умуман олганда, «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида хоразмлик 35 минг 511 нафар аёлнинг 6 та йўналишдаги муаммоларини ҳал қилиш белгиланган. Улар орасида Зуҳра каби уй-жойга муҳтожлар ҳам бор.

Хўш, жараён қандай кечмоқда? Масъуллар зиммасидаги вазифаларни ўз муддатида адо этишяптими?

Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг Хоразмдаги «Аёллар дафтари» штаби томонидан вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси билан ҳамкорликда семинар ташкил қилинди.

Унда республика комиссияси аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши, оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда туман, шаҳар бўлимлари масъул ходимлари, мутасадди идора ва ташкилот раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманда «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичи рўйхатига киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Хоразм вилояти «Аёллар дафтари» штаби раҳбари Қутлимурод Собиров, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Раъно Турдибоева, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Гулсара Қурбонбоева, Янгибозор тумани ҳокими Ўктам Кўчқоров ва бошқалар сўзга чиқиб, «Аёллар дафтари» опа-сингилларимиз учун том маънода нажот дафтари бўлганини, олдинги босқичларида хоразмлик 80 мингдан зиёд хотин-қизларнинг муаммолари ечим топганини эътироф этдилар.

Иштирокчилар Янгибозор тумани «Аёллар дафтари» штаби фаолияти билан ҳам танишдилар.

– Учинчи босқичда махсус Низом асосида иш кўрилаётгани айни муддао бўлмоқда, – дейди Хоразм вилояти «Аёллар дафтари» штаби раҳбари Қутлимурод Собиров. – Ҳар бир хотин-қиз учун «Индивидуал дастур» тасдиқланган. Тегишли маблағлар ажратилган. Ҳар бир аёл қачон, қай тартибда қўллаб-қувватланиши аниқ белгиланган. Уларни ўз муддатларида бажариши қатъий назорат остига олинган.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«ISHONCH»

---

Бухоро вилояти

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши «Биз – спортчи оиламиз» шиори остида мусобақа ўтказди.**

Мусобақа

## «БИЗ – спортчи оиламиз»

Мазкур тадбир уч босқичда ташкил этилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлардан тузилган жамоалар орасидан 1-, 2-босқичларда ғолибликни қўлга киритган спортчи оилалар 3-босқичда иштирок этиш имконига эга бўлди.

Вилоят босқичида тармоқлар босқичида биринчи ўринни эгаллаган 8 та жамоа қатнашди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасидан иштирок этган Эшовлар оиласи биринчи, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вакиллари бўлмиш Шокировлар оиласи иккинчи, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасидан қатнашган Нарзиевлар жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Биринчи ўрин соҳиблари мусобақанинг Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Абера ИМОМОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

---

Жиззах вилояти

Ички туризм

## ҲАМ САЁҲАТ, ЗИЁРАТ

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши ҳудуддаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 50 нафар педагог ходимларнинг Бухорога саёҳатини уюштирди.**

Кўҳна кентнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, зиёратгоҳлари саёҳатчиларда олам-олам таассурот қолдирди.

Саёҳатнинг «Зардўзлик ва ҳунармандчилик – 2022» халқаро фестивали ўтказилиш кунларига тўғри келгани эса унинг янада сермазмун бўлишини таъминлади.

**Муқимжон ИСМОИЛОВ,**
«ISHONCH»



Давра суҳбати

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛИШИ КЕРАК?

***Хабарингиз бор, шу йилнинг 20 май куни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилиб, унда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилган ҳамда ушбу комиссия таркиби ва вазифалари белгиланганди.***

***Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан «Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш: бугунги ҳолат ва истиқболлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.***

***Унда мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари Бош ҳуқуқий қомусимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирди.***

***Қуйида улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз:***

**Жўрабой Тошқулов,**
*юридик фанлар доктори, профессор*



Конституциямиз муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги мустаҳкамланган. Шундан келиб чиқиб, унинг 17-моддасига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлиги тан олиниши, Ўзбекистон Республикасининг шартномаларига миллий қонунчилик нормалари зид келса, халқаро шартномаларга амал қилинишга оид қўшимча киритилишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари кўп аралашиши, инсонларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиши жамиятда коррупциянинг авж олишига, жамият аъзоларининг боқимандалик кайфиятига олиб келади. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда тадбиркорликнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, 53-моддада хусусий мулкнинг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланиши, давлат тадбиркорлик фаолиятини ва инсоннинг хусусий иқтисодий ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, мулкдорнинг ҳуқуқига тажовуз ва тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ўта оғир жиноят ҳисобланиши ва қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, жамиятда эътиқод ва диний муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ўта долзарб бўлиб, Ўзбекистон мазкур масалада халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги принципига таянади. Шу асосда Конституциянинг 31-моддасида «ҳар ким дини ва эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқига эга»лиги ҳамда 61-моддасида «Диний бирлашмалар давлат органлари фаолиятига аралашмаслиги» тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топиши лозим.

**Мавжуда Ражабова,**
*юридик фанлар доктори, профессор*



Ўзбекистон замонавий дунёвий давлатлар сирасига киради. Аммо бу ҳақда Конституцияда қайд қилинмаган. Шу сабаб унинг 1-моддаси қуйидаги мазмунда, яъни Ўзбекистон – **дунёвий** суверен демократик республика деб ифодаланиши зарур.

7-моддадаги «мувозий» атамаси эса янада соддароқ ва халқчил тилда ифодаланиши лозим. Унинг рус тилидаги параллел атамаси, фикримизча, ўзбек тилида **бир хил ёки бир-бирига ўхшаш** деган маънони англатади.

Шунингдек, 16-модда талабидан келиб чиқиб, мазкур норма қуйидаги мазмундаги учинчи қисми билан тўлдирилиши зарур: яъни **Конституциядаги нормалар тўғридан-тўғри амал қилиш хусусиятига эга**. 17-модданинг 2-қисмидаги **халқнинг олий манфаатлари** жумласидаги **олий** сўзи ортиқча. Оддий ва содда қилиб «**халқнинг манфаатлари»** деб ёзиш етарли.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик (VII-боб) нормаларининг халқаро шартномалардаги тушунчаларга мослиги таҳлил қилиниши лозим. 33-моддадаги **ҳокимият органлари** жумласи **давлат бошқарув органлари** деб ўзгартирилиши керак. Бу жойда гап ижро этувчи органнинг жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқарув функцияси назарда тутилган.

Охирги 30 йил давомида давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналарига муқобил нодавлат ташкилотлари деган тушунчалар жамиятнинг ижтимоий ҳаётида мутлақ ўрин эгаллади. Зеро, ҳуқуқий давлатда давлат органлари билан рақобатлашувчи фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб улгурди. Жамоат бирлашмалари эски собиқ Иттифоқ давридаги қонунларда мавжуд эди. Бу тушунча бугунги кунда мутлақо эскирган. Шу боис «**жамоат бирлашмалари»** деб номланган XII – бобнинг номи **«нодавлат ташкилотлари»**, моддалардаги **жамоат бирлашмалари** жумласи **нодавлат ташкилотлари**, деб ўзгартирилиши лозим. Бирлашмаларни инкор этувчи қатор нодавлат ташкилотларга оид қонунларни эслаш етарли.

60-моддадаги «давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар» жумласида гўёки сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади, деган хулоса мужассам. Амалда сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини тузишдан тортиб унинг фаолияти амалга оширилишига қадар бевосита таъсир кўрсатадилар. Фикримизча, «**давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан Конституция ва қонунларда акс эттирилган ваколатларни амалга оширишда фаол қатнашадилар**» деб аниқ ёзиш керак. 63-моддадаги «**томонларнинг**» сўзи эса «**эркак ва аёлнинг**» деб аниқ ифодаланиши лозим.

**Омонбой Оқюлов,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор*



Конституциянинг 13-моддасига биринчи қисм сифатида қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади: «Инсон Яратганнинг олий мавжудоти бўлиб, унинг манфаатлари устуворлиги таъминланиши, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий тараққиёт унинг манфаатларига зид бўлмаслиги шарт».

16-моддага охирги қисм сифатида қуйидагича қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ: «Конституция соҳасида ҳуқуқбузарлик бўйича ҳар ким ҳуқуқбузарликни бартараф этиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли».

18-моддага қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади: «Ушбу Конституцияда фуқаролар учун белгиланган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар агарда ҳуқуқий муносабат мазмунидан бошқача англашилмаса ёхуд қонунларда бошқача белгиланган бўлмаса, юридик шахсларга ҳам тааллуқлидир».

54-модда қуйидагича таҳрир этилиши лозим: «Мулкдор **мол-мулкига** ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. **Мол-мулкдан** фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

55-моддани «... умуммиллий бойликдир» деган сўзлардан кейин қуйидагича таҳрирда бериш тавсия этилади: «Улардан нафақат ҳозирги авлодлар, балки келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб оқилона ва тежамли фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

57-модданинг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда бериш таклиф этилади: «Махфий жамиятлар, уюшмалар тузиш тақиқланади. Хайрия ва бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлаб ўз шахсини учинчи шахслар учун ошкор этмайдиган жамиятлар ва уюшмалар фаолияти қонун билан тартибга солинади».

Конституциянинг 63-моддаси иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқ: «Никоҳ **эркак ва аёл**нинг ихтиёрий розилиги, тенг ҳуқуқлиги ва **масъулияти**га асосланади».

**Фозилжон Отахонов,**
*юридик фанлар доктор, профессор*



Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш вазифаси белгиланган. Хусусан, маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантириш, шу жумладан, ҳокимларни сайлаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш назарда тутилган.

Шу муносабат билан туман ва шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли Кенгашда энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган партия гуруҳи томонидан илгари суриладиган амалиётни йўлга қўйиш, ҳокимликка номзод халқ депутатлари Кенгашида ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилиб, лавозимга тасдиқланадиган тартибни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур вазифани амалга ошириш Конституциянинг **102-моддасига** тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо қилади. Бу, ўз навбатида, Конституциянинг **100-моддасини** янги таҳрирда қабул қилиш, унда маҳаллий вакиллик органи билан ҳокимлар ваколатларини ажратган ҳолда аниқ белгилаш ҳамда ундан амалда маҳаллий ҳокимият органи ваколатига тааллуқли бўлмаган ваколатларни, жумладан, *«фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш»* каби ваколатни чиқариб ташлашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши Конституциянинг 11-моддасида белгиланган, яъни улар бир хилда конституциявий мақомга эга. Бироқ амалда мазкур ҳокимият органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонунлар тенг кучга эга эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари тўғрисида **Конституциявий қонунлар** қабул қилинган, аммо Вазирлар Маҳкамаси ҳамда судлар тўғрисида эса **қонунла**р қабул қилинмаган. Шунингдек, конституциявий орган ҳисобланувчи прокуратура, Судьялар олий кенгаши ва бошқа органлар фаолияти ҳам қонунлар билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, Конституциянинг **127-моддасига** мувофиқ унга ўзгартиришлар **қонун** ёки референдум билан киритилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Конституциядаги номутаносибликларни бартараф қилиш мақсадида унинг 98-, 99-, 109-, 110-, 111-, 120 ва 120-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда уларда Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, конституциявий органлар ҳуқуқий мақомини белгилаш **конституциявий қонунлар** тарзида қабул қилинишини назарда тутиш лозим.

**Музаффар Мамасиддиқов,**
*юридик фанлар доктори, профессор*



Мамлакатимизнинг бош ҳуқуқий ҳужжати 54-моддасида мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги, 50-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур экани белгиланган.

Бироқ ҳар бир инсон қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумотга ва экологик ҳуқуқбузарлик туфайли соғлиғи ёки мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплатиш ҳуқуқига эга экани, давлат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириши билан боғлиқ муҳим нормалар ўз ифодасини топмаган.




Янги Ўзбекистонни барпо этиш талабларидан ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 29-йиллиги муносабати билан байрам табригида илгари сурилган таклифлардан келиб чиқиб, 43-моддага қуйидаги қўшимчаларни киритиш таклиф қилинади:

«Ҳар бир инсон ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф табиий муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлиш, ушбу ҳуқуқнинг бузилиши натижасида соғлиғига ёки мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплатиш ҳуқуқига эга.

Давлат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади.

Мансабдор шахслар томонидан одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи фактлар ва ҳолатларни яширилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».

**Одилжон Сулаймонов,**
*юридик фанлар доктори, доцент*



Бош ҳуқуқий қомусимизнинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» деб қайд қилинган. Фикримча, уни қуйидагича тўлдириш мумкин: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. **Уни ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш бутун давлат ҳокимиятининг бурчидир**. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. **Ўлим жазосини қўллаш тақиқланади».**

**Эркин Умарохунов,**
*юридик фанлар доктори*



Конституциянинг 17-моддасини қуйидаги таҳрирда тўлдиришни таклиф қиламан:

«Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, давлат суверенитети ва мустақиллигига ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда имзоланган (тузилган) халқаро шартномалар ва урф-одатларни бажариш бўйича барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Унинг ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган, БМТ Низомида мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади.

Халқаро нормалар ва принциплар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг бир қисми бўлиб, уларнинг бажарилиши ва қўлланилиши халқаро шартномада назарда тутилган тақдирда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мумкин бўлади. Халқаро мажбуриятларни тўғри бажариш нуқтаи назаридан миллий ҳуқуқий тизим бошқа ҳуқуқий тизимлардан фойдаланишни истисно этмайди, агар ҳозирги вақтда ҳуқуқий зиддиятни ҳуқуқий тартибга солувчи норма мавжуд бўлмаса.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш, халқаро шартномаларнинг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга».

**Ҳайдарали Юнусов,**
*юридик фанлар номзоди, доцент*



Маълумки, 2002 йилдаги икки палатали парламентга ўтиш билан боғлиқ сиёсий-институционал ислоҳотлар натижасида мамлакат Конституциясининг 33 та моддасига жиддий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган эди. Улардаги энг катта ютуқлардан бири – қонунчилик технологияси янги сифат босқичига кўтарилди, яъни парламентнинг қонун қабул қилиш техникаси такомиллашди. Умуман олганда, парламентнинг асосий функцияси ҳисобланган қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳуқуқий асослари Асосий қонунимизда тўлиқ аксини топган (**78-ва 84-моддалар**), бироқ парламентнинг қонунчилик техникаси шу билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ҳозирги шиддатли ўзгаришлар суръати қонунлар қабул қилиш жараёнини янада юқори босқичга кўтариш ва жадаллаштиришни тақозо этиши табиий. Қонунлар қабул қилиш жараёни содда ва тезкор суръатда амалга оширилиши лозим. Маълумки, ҳозирги тартибга кўра, Сенат қонун лойиҳаларини тасдиқлайди ёки рад этади. Сенат томонидан рад этилган қонун лойиҳаси юзасидан палаталараро тенглик асосида келишув комиссиясини тузиш мумкинлиги Асосий қонунда кўзда тутилган. Қонунларнинг Сенат томонидан рад этилиши қонунчилик жараёнини сустлаштириши шубҳасиз. Бундай ҳолатда, қуйи палата томонидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётган дастлабки босқичдаёқ Сенатнинг бу жараёнга консультатив ва факультатив шаклдаги иштироки кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар ва Сенат раддиясининг олдини олиши мумкин. Шу мақсадда, Асосий қонуннинг **80-модда** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари)сига тегишли қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сенат қуйи палата томонидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётган дастлабки босқичдаёқ маҳаллий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларига ўз муносабатини билдириб бориши қонунчилик жараёнини тезлаштиради.

**Аманлик Гулимов,**
*юридик фанлар номзоди, доцент*



«Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» деб номланувчи алоҳида боб бўлиши ва уларда қуйидагилар кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, 50-моддадаги **«фуқаролар»** сўзи **«Ҳар бир инсон»** сўзи билан алмаштирилиши лозим. Негаки, Асосий қонунимизда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш давлатимизда бўлиб турган чет эл фуқароси ва фуқаролиги йўқ шахсга ҳам тегишли бўлиши шарт.

**Жўрабек Расулов,**
*юридик фанлар номзоди*



45-моддани қуйидаги таҳрирда иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади: «Вояга етмаган шахсларни уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган ишларга, мажбурий меҳнатга жалб қилиш тақиқланади».

37-модданинг иккинчи қисмини эса қуйидаги таҳрирда ўзгартириш таклиф этилади: «Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий қилиниши муносабати билан, ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида соф ҳарбий хусусиятдаги ишларни бажаришдан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади».

Конституциянинг 21-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирдаги нормалар билан тўлдириш мумкин: «Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади. Бунда фуқароликни йўқотиш шахсни фуқаросиз ҳолатга олиб келса, фуқароликдан маҳрум қилиш тақиқланади».

**Маҳмуд Маҳаматов,**
*юридик фанлар номзоди*



Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларни тузиши, ундан чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда халқаро шартноманинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Ушбу ваколат Конституциявий судга тегишли бўлиб, Асосий Қонуннинг 109-моддаси 2-бандига кўра, Конституциявий суд «Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар ...Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди» деб белгиланган.

Мазкур бандни қуйидаги таҳрирда баён этиш тавсия этилади: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар ... Ўзбекистон Республикаси ратификация қилаётган халқаро шартноманинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди».

Конституциявий суд халқаро шартнома нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини кўриб чиқади. Халқаро шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қонунда эса халқаро шартноманинг асосий нормалари, давлатга юкланаётган мажбуриятга оид қоидалари келтирилмайди.

**Жуманазар Холмўминов,**
*юридик фанлар доктори, профессор*



Конституцияга экология соҳасида қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф этаман:

1. Конституцияга «Экологик ҳуқуқ ва мажбуриятлар» деб номланадиган алоҳида боб киритиш:
2. Конституциядаги экологияга оид бир қатор моддаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Уларни қуйидаги нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман:

50-моддада «Фуқаролар ***экология*** ва атроф табиий муҳитга, ***табиий ресурслардан самарали ва*** эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир»лар деб кўрсатилиши;

54-моддада «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш ***экологик вазиятга ва атроф табиий муҳитга*** зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар, ***тадбиркорлик фаолияти*** ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»лиги акс этиши;

55-модда «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ***ўрмон, флора ва фауна, биохилмахиллик*** ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб ёзилиши;

100-моддада ***экология ва*** атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ***табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш*** маҳаллий ҳокимлик органлари вазифасига кириши;

**Алоҳида моддалар сифатида эса:**

«Экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни таъминлаш»;

«Инсон ва фуқаролар яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эга»;

«Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай экологик ва табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга» каби жумлалар ўз аксини топиши лозим.

Қашқадарё вилояти

Кузатув



# Ўрим бошланди, энди ун нархи тушадими?

**– Ҳар доим туман марказидаги дўкондан ун оламан, – дейди чироқчилик Дўстмурод Янгибоев. – Қозоғистондан келтирилган буғдойни тегирмондан чиқариб сотишади. Тарозиси тўғри – бир қоп маҳсулот вазни роппа-роса 50 килограмм! Нони юмшоқ чиқади, ёз иссиғида қотиб қолмайди. Охирги марта бу ердан бир қоп унни 275 минг сўмдан олгандим. Яқинда 343 минг сўм бўлибди, қарийб 70 минг сўмга қимматлашибди. Сабабини буғдойнинг нархи ошгани билан боғлашди...**

Дўстмурод аканинг гапидан сўнг дўконларни айландим. Қаранг, бир ой муқаддам 215 минг сўм бўлган уннинг нархи 265 минг сўмга чиқибди. Қозоғистоннинг биринчи навли уни 350 минг сўмдан 385 минг сўмгача сотиляпти. Олий навлиси эса 420 минг сўмга кўтарилибди. Сотувчилар буни буғдой биржада сотилаётгани билан изоҳлашди.

Ўзбекнинг дастурхони нон билан тўкис. Биз ҳатто ошга ҳам нон қўшиб еймиз. 4-5 кишилик оила ойига бир-бир ярим, 6-8 кишилик оила икки қопгача ун ишлатади. Демак, бугунги кунда улар ун сотиб олиш учун аввалгидан 100-150 минг сўм кўп маблағ сарфлашмоқда.

Одатда ҳар қандай маҳсулот нархи янги ҳосил пишиб етилиб, омборлар тўлиб-тошганда пастлайди. Хўш, бу йилги ғалла ҳосили қандай? Биз ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Косон туманидаги айрим фермер хўжаликларида бўлдик.

*– Бу йил ҳудудимиздаги 60 та фермер хўжалиги 1437 гектар ерга ғалла эккан,* **– дейди «Косон» ҳудуди раиси Абдулло Умидов.** *– Режа 5245 тонна ҳосил олиш. Сув танқислиги кузатилса-да, апрель-май ойларидаги қисқа муддатли ёмғирлар, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб кетмагани сабабли ғаллаларимиз яхши бош олди. Шунга кўра, гектаридан ўтган йилгидан 8-10 центнер кўпроқ, аниқроғи, 35-40 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Баъзи фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 50 центнердан ошиши кутилмоқда. Фермерлар ўриб-йиғиб олинган ғаллани «Санжарбек Нажим ўғли» кластерига топширишади. Улар бу йил буғдойнинг ҳар килосини бултургига нисбатан икки баравар қимматига – 3000 сўмданга сотишади. Шунга яраша яхшигина даромад орттиришади.*

Биз ўрим-йиғим отряди учун дала шийпонида ҳамма шароитлар яратилгани, ишчиларга нонушта, тушлик, кечки овқат берилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу қулайликлар ва иш унумидан комбайн операторларининг кайфияти чоғ. Жумладан, ёрдамчи оператор Лазиз Нарзиев бир кунда 10 гектар майдондаги ғаллани ўриб, хирмонга ўртача 40 тонна ҳосил тўкаётган экан.

«Санжарбек Нажим ўғли» ғаллачилик кластери раҳбари Нажим Отаназаровнинг айтишича, фермерлар уруғлик, техника ва ўғит харажатларини қайтаришдан ташқари, яхшигина фойда ҳам кўришади. Масалан, 40 гектар ерда деҳқончилик қилаётган «Омон ўғли Аброр» фермер хўжалиги ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, жами 160 тонна ҳосил олиш ниятида. Агар бир кило дон 3000 сўмдан ҳисобланса, жами 480 миллион сўм кирим бўлади. Ундан харажатлар чиқариб ташланса, фермер тахминан 300 миллион сўм миқдорида соф фойда кўриши мумкин. Режадан ортиқ ҳосилни эса хоҳласа кластерга сотади, хоҳласа ўз режалари асосида ишлатади. Ишчиларига ойлик қилиб бериши, маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат кўмак кўрсатиши ҳам мумкин.

**ЎЗБЕКНИНГ ДАСТУРХОНИ НОН БИЛАН ТЎКИС. БИЗ ҲАТТО ОШГА ҲАМ НОН ҚЎШИБ ЕЙМИЗ. 4-5 КИШИЛИК ОИЛА ОЙИГА БИР-БИР ЯРИМ, 6-8 КИШИЛИК ОИЛА ИККИ ҚОПГАЧА УН ИШЛАТАДИ. ДЕМАК, БУГУНГИ КУНДА УЛАР УН СОТИБ ОЛИШ УЧУН АВВАЛГИДАН 100-150 МИНГ СЎМ КЎП МАБЛАҒ САРФЛАШМОҚДА.**

Долзарб ўрим-йиғим даврида касаба уюшмалари ҳам четда тургани йўқ. Чунончи, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Косон тумани кенгаши фаоллари далаларда бўлиб, миришкорлар аҳволидан хабар олишяпти. Қолаверса, фермерларнинг 87 нафар фарзанди айни кезларда Шаҳрисабздаги «Зебунисо» оромгоҳида ҳордиқ чиқаришмоқда.

Умид қиламизки, далалардан йиғиб олинаётган ҳосил мўл бўлиши ҳозирда осмонга сапчиётган ун ва дон нархи пасайишига олиб келади...



**Акмал АБДИЕВ,**
**«ISHONCH»**

Долзарб мавзу



# Маймун чечаги вируси: ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ТАРҚАЛИШИ МУМКИНМИ?

*Шу йилнинг май ойи бошида дунё ҳамжамиятини янги эпидемия хавфи ларзага солди. Кўплаб мамлакатларда даҳшатли суръатларда тарқалаётган маймун чечаги вируси «COVID-19»дан кейин иккинчи пандемияга сабаб бўладими? Қандай профилактика чоралари касалликни юқтирмасликка ёрдам беради? Ушбу турдаги вирусга қарши вакцина борми?*
*Шу ва бошқа саволларга* ***Ўзбекистон вирусология илмий-текшириш институти бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Умид ИСМОИЛОВ*** *жавоб беради.*



**– Аввало, маймун чечаги кўпчиликка маълум бўлган табиий чечак вирусидан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаб олсак...**

– Маймун чечаги – Ортопоксвирус (Orthopoxvirus)лар турига мансуб ўз ичига ДНКни олган вирус келтириб чиқарадиган, кам учрайдиган юқумли касаллик ва у 1980 йилда бутун дунёда енгиб ўтилган табиий чечак вируси билан жуда кўп ўхшашликларга эга.

Айни пайтда Африкадан ташқарида, биринчи марта инфекция ҳолатлари аниқланган мамлакатларда уни юқтирганлар сони, вирус топилганидан бери (1970 йилдагидан) кўпроқ. Касалликнинг динамикаси чечак белгиларига, яъни тошма пайдо бўлишига ўхшайди. Ягона яхши хабар шундаки, маймун чечаги, табиий чечакдан фарқли ўлароқ, кўп ҳолларда беморда енгил ва ўртача даражада ўтади.

**– Маймун чечаги қандай юқади? Инсон вирусни юқтиришдан ўзини қандай ҳимоя қилиши мумкин?**

– Маймун чечаги зооноз касаллик бўлиб, одамларга кўпроқ хасталанган ёввойи ҳайвонлардан, масалан, кемирувчилардан, қон ва биологик суюқликлар билан бевосита алоқа қилиш, уларнинг тишлаши ёки етарлича қайта ишланмаган гўштни истеъмол қилиш орқали юқади. Одамдан одамга балғам, ҳаво томчилари, биологик суюқликлар, бемор томонидан ишлатиладиган уй-рўзғор буюмлари орқали юқиши мумкин, аммо бу ҳолларда касалликни юқтириш учун касал одам билан узоқ муддатли яқин алоқа талаб қилинади. Вирус шиллиқ қават, нафас олиш органлари ва ҳатто теридаги кичик яралар орқали танага кириши билан хавфлидир.



**– Ёз – таътиллар вақти. Чет элга дам олиш учун кетишга тайёрланаётганлар нималарни билиши керак?**

– Ушбу касалликнинг тарқалиши қайд этилган мамлакатларга боришни режалаштирганлар бу вируснинг ташувчиси бўлиши эҳтимоли бор ҳайвонлар (кемирувчилар ва приматлар) билан алоқадан қочишлари лозимлигини эсда тутсин. Улар истеъмол қилмоқчи бўлган гўшт маҳсулотлари эҳтиёткорлик билан ҳамда яхшилаб пиширилган бўлиши керак. Агар таомнинг сифатига шубҳа қилинса, уни истеъмол қилмаган маъқул. Вирус юқтиришнинг олдини олишнинг энг яхши усули – шамоллаш аломатлари бор одамлар билан алоқа қилганда ниқоб тақиш ва қўлларни тез-тез тозалаб туриш. Айниқса, агар улар маймун чечаги касаллиги тасдиқланган мамлакатдан келганини билсангиз.

**– Касаллик қандай ривожланади?**

– Унинг инкубация даври 5-21 кун, ўртача 6-13 кунни ташкил этади. Баъзида касаллик симптомларсиз кечади ва фақат махсус тадқиқотлар давомида аниқланиши мумкин. Баъзи беморларнинг инфекцияланган ҳайвонни ушлаган қўлларида фақат тошмалар пайдо бўлади ва уларда иситма кузатилмайди. Бошқаларда, аксинча, иситма, титроқ, доимий бош оғриғи, шунингдек, мушакларда оғриқ ривожланади. Кучли ҳолсизлик бўлади, лимфа тугунлари катталашади. Ўртача, биринчи аломатлардан 2-3 кун ўтгач, макуляр тошма, яъни текис қизил доғлар пайдо бўлади. Улар кўпинча юз, кафт ва оёқларда, камроқ ҳолларда оғиз, жинсий аъзоларнинг шиллиқ қаватларида ва конъюнктива – кўзларнинг бириктирувчи қаватида кузатилади. Тошма турли босқичлардан ўтади ва охир-оқибат қобиқ ҳосил қилади. Вақт ўтиши билан у аста-секин кўчиб тушади ва шу пайтдан бошлаб бемордаги касаллик юқумли деб ҳисобланмайди. Касалликнинг кечиши тананинг умумий ҳолатига боғлиқ. Жиддий асоратлар қаторига бронхопневмония, энцефалит ва сепсис, ҳомиладор аёлда бола тушиши ёки унинг ўлик туғилиши киради.

**– Вирусни юқтириш бўйича хавф гуруҳига кимлар киради?**

– Касалликнинг оғир кечиши кўплаб омилларга боғлиқ. Бу беморнинг ёши ва унда сурункали касалликларнинг мавжудлиги, энг муҳими, юқтирилган вируснинг штамми: Европа ва АҚШда тарқалган Ғарбий Африка тури Конго (Марказий Африка) штаммига қараганда осонроқ кечади. Вирус, айниқса, болалар, ҳомиладор аёллар ва иммунитети паст бўлганлар учун хавфлидир.

**– Табиий чечак вирусига қарши эмлаш орқали маймун чечагидан ҳимояланиш мумкинми?**

– Ушбу касалликни махсус даволаш усули ёки унга қарши вакцина мавжуд бўлмаса-да, чечакка қарши эмлашни маймун чечагининг юқори самарали профилактикаси деб ҳисоблаш мумкин. 1980 йилгача туғилган Ўзбекистон аҳолиси, яъни юртимиздаги деярли 50 фоиз одамлар чечакка қарши эмланган. Бундай вазиятда касаллик бизнинг юртимизда эпидемия характерини олмаслигига ишонса бўлади.

Вирусни юқтириш ҳолатида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти табиий чечакни даволаш учун рўйхатга олинган вирусга қарши дори препарати бўлмиш «Тековиримат»ни касалликка қарши самарали кураш воситаси сифатида тан олади. Антибиотик терапияси ҳам симптомларни енгиллаштириш имконини беради. Чунки асосий вирус фонида кўпинча юқумли касалликлар ривожланади. Одатда касаллик аломатлари икки-тўрт ҳафта ичида йўқолади ва махсус муолажани талаб қилмайди.



**Суҳбатдош:**
**Оксана КАДИШЕВА,**
журналист

# Водилда МАЛИНА етиштиришни ким бошлаб берган?

**Фарғона вилоятидаги Водил шаҳарчаси ҳавоси тозалиги, ери унумдорлиги билан юртимизнинг бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Бу ерда ўсаётган мевали дарахтлар бошқа жойлардагига нисбатан мўл ҳосил беради. Маҳаллий аҳолининг асосий даромади малина меваси орқали келади. Улар бу доривор ноз-неъматни ўз эҳтиёжлари учун етиштириш ва ички бозорларимизга чиқариб сотишдан ташқари, чет элларга экспорт ҳам қилишади.**

Хўш, малина дарахти бу ерда қачондан бошлаб парваришлана бошланган?

Кўпни кўрган кексаларнинг айтишларича, уни Водилга биринчи бўлиб Собиржон бобо келтирган. Бу ҳақда унинг ўғли Аъзамжон ота шундай ҳикоя қилади:

– 1962 йилнинг ёзи эди. Дадам томорқамизда пишиб етилган анжир ва шафтолиларни 5 чақиримча наридаги бозорга элтиб сотарди. Бир сафар бозордан қайтгач, ўзи гувоҳ бўлган воқеани айтиб берди. «Ўтган гал борганимда ўрта яшар рус киши кичкина саватчада қорағат ва маймунжонга ўхшайдиган қандайдир мева олиб келди. Уни, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, нақ 1 кило гўштнинг пулига сотди. Мен эса иккита катта тоғорадаги анжир ва шафтолимни унинг ярим баҳосига ҳам пуллай олмадим. Шу боис бу мевага қизиқиб қолдим. Рус сотувчи у ҳақда билганларини сўзлаб берди. Мен яшаш жойини ёзиб олдим. Куз келса, унинг уйига бориб, кўчат олиб келаман», деди.



Дадам сўзида турди. Янги ниҳолларни ариқ бўйига экдик. Вақт ўтгани сайин уларни кўпайтириб, яхшигина даромад орттира бошладик. Бора-бора кўчатларини қариндошлар ва қўни-қўшниларга ҳам тарқатдик. Шу тариқа Водилда малина етиштириш оммалашди...

Халқ орасида бу мева хушхўрлиги ва шифобахшлиги билан машҳур. У иштаҳани очадиган, овқатни ҳазм қилдирадиган, терлатадиган, ички ва ташқи қон оқишини тўхтатадиган, иситма туширадиган, ўпка шамоллаганда балғам кўчирадиган ва бошқа касалликларга малҳам сифатида қўлланилади. Пандемия даврида малинага талаб янада ошди. Чунки таркибида органик кислоталар, эфир мойи, В, Р, С витаминлари, каротин, қанд, калий тузлари, пектин ва ҳар хил моддалар мавжуд бўлиб, ҳаммаси инсон организми учун кони фойда.

Бундан ташқари, малина мевасидан мураббо ва шарбат тайёрланади. Баргларидан витаминга бой, буйрак ва бўғин касалликларига даво бўладиган чой дамлаб ичиш кишига роҳат бағишлайди.

Малина косметологияда ҳам ишлатилади. Юз териси ҳолатини яхшилайди ва ёшартиради. Таркибида мис борлиги боис депрессиянинг олдини олади ва даволайди.

Бу ўсимлик яхшигина даромад манбаи ҳамдир. Чунки йилига икки марта ҳосил беради. Уни парваришламоқчи бўлганлар кўчатларини эрта кўкламда ёки кеч кузда экишлари, бу жараёнда ернинг ҳолатини ҳисобга олишлари лозим. Серсув, юмшоқ, ҳосилдор ерга малина экиш ва астойдил меҳнат уларни миллионерга айлантириши тайин. Чунки 10 сотих ерга экилган малина 1-1,2 тоннагача ҳосил беради.

Водиллик Абдухалил Акбаров ҳам 12 йилдан буён малина етиштириб келмоқда. Топган даромади эвазига чорва



молларини кўпайтирди, уч фарзандини ўқитиб, уй-жойли қилди, оиласи эҳтиёжи учун иккита енгил автомобиль сотиб олди, янги иморатлар қурди. У билан суҳбатлашсангиз, малина етиштирадиган деҳқон оқилона меҳнат қилиш билан бир қаторда, сабр-тоқатли бўлиши ҳам кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Зеро, халқимиз «Сабр таги – сариқ олтин» деган нақлни бежиз айтмаган.



**Нилуфар**
**АБДУМАЛИКОВА,**
ЎзЖОКУ талабаси

Эълонлар

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 27 июнь куни ўтказилиши тўғрисида «Ishonch» газетасининг 2022 йил 4 июндаги №71(4667)-сонига жойлаштирилган эълонга**

**ТУЗАТИШ**

Йиғилиш кун тартибининг 10- ва 11-масалалари кетма-кетлиги тегишлича 11- ва 10-масалалар деб ўқилсин. Тел:. 202-99-99 (1316, 1317).

**«Микрокредитбанк» АТБ**

«Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» ДУК томонидан 2022 йил 21 январда «O'zbekiston» телеканали монтажчиси Баратов Асатулло Суннатулло ўғли номига 2022 йил 18 май санасигача берилган №230 рақамли вақтинчалик рухсатнома йўқолгани маълум қилинади.

## Автомобиль йўллари қўмитаси

Лойиҳалаш ва тадқиқот ишларини бажариш ва ишчи лойиҳа ишлаб чиқиш учун «ОТБ иштирокидаги «Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу» А-380 автомобил йўлининг «964-1204 км. (240 км.) қисмини реконструкция қилиш» лойиҳаси доирасида Жамиятни ривожлантириш марказлари қурилиши» – объекти бўйича танловда қатнашишга таклиф этади.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» автомобиль йўлининг 964-1204 км. қисмини реконструкция қилиш» лойиҳаси доирасида лойиҳанинг ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосларига кўра, «Қорақалпоғистон» ва «Жаслиқ» посёлкаларида **2 та Жамиятни ривожлантириш маркази биноси** ҳамда қурилиш пакети доирасида қуриладиган қисқа муддатли дам олиш масканларида **5 та савдо** растаси қурилишининг лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш ва ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқилди.

Лойиҳа ташкилоти Осиё тараққиёт банкининг тартиб-таомилларига мувофиқ танлаб олинади.

Қизиқиш билдирган ташкилотлар хизмат кўрсатиш учун керакли малака ва мувофиқлик кўникмаларига эга бўлгани тўғрисида маълумотларни тақдим этишлари зарур бўлади.

Тўлиқ маълумот ва техник топшириқни ОТБ CSRN www.csrn.adb.org веб-сайтидан олиш мумкин.

Қизиқиш билдиришномалари 15.07.2022 йилгача ОТБ CSRN www.csrn.adb.org сайти орқали юборилиши керак.

Қўшимча маълумотни қуйидаги электрон манзил бўйича олиш мумкин: mff-pmu-240@mail.ru

**Автомобиль йўллари қўмитаси.**

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоаси «Муборак газни қайта ишлаш заводи» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматовга укаси

**Ривож РАҲМАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти жамоаси институтнинг «Физика» кафедраси мудири Икром Турсуновга онаси

**Роҳилахон ая ТУРСУНОВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

# Ёрилгин тош, ёрилгин, мен Усмонни кўрайин...



*Ёрилгин тош, ёрилгин,*
*Усмонжонни кўрайин,*
*Дийдорига тўяйин...*

Бу сатрларни Холамбиби Мулла Охун қизи, яъни аввал ҳам охир ёд этуримиз Усмон Носирнинг онаси пичирлаб айтган.

Ҳа, Усмонжони ёнидан кетгач, ҳаёти қўрқинчли тушдек ўтди. Бу қўрқинчли тушда ҳадсиз саҳроаро оч бўрилар увиллар ва шу оч бўриларнинг ўртасида қўлига олов – шеърлар кўтариб чопаётган бир диловар йигит – унинг якка-ю ягона ўғли Усмон гавдаланарди. Холамбиби аяни шу қўрқинчли тушда ҳам ўғли шеърлари ила қутқарар эди. Шеърлар – олов, оловдан эса бўри қўрқади. Уларнинг ягона душмани шу оловдир.

Бу қўрқинчли тушда Усмон Носирнинг тагига сув қўйган жами сотқинлар пана-панада айшу ишрат қиладилар. Холамбибининг синиқ чеҳрасини кўришлари билан терс ўгириладилар, қалт-қалт титрайдилар.

Туртиниб, қоқилиб уйга қайтаётган муштипар ёнидан инсофли одамларгина шивирлаб ўтадилар:

– Илоё, эсон-омонгина эшигингиздан кириб келсин.

– Худо хоҳласа, Усмонжон оқланади.

– Ўкинманг, бу кунлар ҳам ортда қолади.

Холамбиби бирдан сергак тортади, умидвор юрагида нимадир ялт этади.

Тўғри, унинг сўнгги кунлари фақат илтижо билан, кутиш билан ўтди.

*Урушларга кетганда,*
*Ёрилгин тош, ёрилгин,*
*Бунчалик куймасмидим,*
*Ёрилгин тош, ёрилгин.*
*Келармикин куйганим,*
*Болажоним – суйганим,*
*Ёрилгин тош, ёрилгин.*

У кеча-ю кундуз «Ёрилтошлар»га илтижо қилди. Тошлар ёрилмади. Тош юракли одамлар ундан қочдилар. Охир бир куни онанинг юраги ёрилди:

«Агар мен ўлсам, оғзимни ерга қаратиб ёткизинглар, ичимдаги ҳамма қонлар оқиб кетсин, токи, қабримга ҳам қонга тўлиб бормайин».

* * *

Наманган вилоятида донғи кетган Маматхўжа домла 54 ёшда вафот этди. Орқасида Усмонни – бир ярим яшар гўдагини қучганча Холамбиби қолди.

Холамбиби. Оқ сариқдан келган, доим паст товушда гапирадиган тортинчоқ келинчак бу пайтда 28 ёшда эди. Унинг ой юзларини кўриш қариндош-уруғдан бошқага насиб этмаган. Чунки у домланинг аёли эди.

Унинг кейинги ҳаёти Носирҳожи Масодиқ ўғлига боғланган экан... Никоҳ ўқилаётган пайтда Носирҳожи Холамбибининг ўғлини тиззасида олиб ўтириш учун домладан рухсат олди. Уч ярим яшар Усмонжон энди унга ҳақиқий ўғил бўлди. Бундай мурувват ва меҳрга зор Холамбибининг кўзлари ёшланди.

Носирҳожининг онаси Ҳошияхон ая ниҳоятда мулойим, ипак товушли Холамбибини «Ўрик келиним» деб атарди. Ўрик келин бу даргоҳда савод чиқарди, отинча бўлди. Форс ва араб тилларини мукаммал ўрганди. Беш овсин бир ҳовлида аҳил-иноқ яшардилар. 1918-1928 йиллар орасида Носирҳожи 7-Туркистон ўқчи бригадасида хизмат қилаётгани туфайли оиласини Қўқонга кўчириб келди.

Уларнинг оиласи Қўқонда учтага кўпайди. Учаласи ҳам қиз. 1918 йил Равзахон, 1922 йил Роҳатхон, 1926 йилда Инобатхон дунёга келди.

Холамбиби 6 яшар Усмонга форс-тожик тилини ҳам ўргатди.

Носирҳожи ўғли Усмоннинг ҳеч қачон шаштини қайтармаган. Ниҳоятда ҳалол бу инсон форс, араб тилини мукаммал билиб олган ўғлини мактаб-интернатга ўқишга жойлади. Бу ерда Усмон рус тилини ўрганди.

103 ёшда Носирҳожи Масодиқ ўғли оламдан ўтди. Умри давомида у Усмоннинг ўгай ўғил эканини тасаввур ҳам этмаган. Яна шуни тасаввур этмаганки, унинг ўғли ўзбек адабиётида юлдуз бўлиб порлаши ва Усмон номининг ёнида ўзининг ҳам номи, яъни Усмон Носир бўлиб тарих саҳифаларига ёзилажагини...

1936 йилда Усмон Носир онаси ва сингилларини Қўқондан Тошкентга «Чақар» маҳалласига кўчириб келди. Бу пайтда Усмон Носирнинг номи шеърият аҳлига таниш эди.

«Аяжон, нега сен овқат пиширсанг, ҳамиша ширин бўлади. Сени қўлинг ширин-да, аяжон. Аяжон, сени ҳидлай, ҳидингни яхши кўраман», дея эркаланаётган Усмоннинг сочини силаб Холамбиби ҳайрон бўларди. Ким айтади буни шоир деб, бу ёш гўдак-ку. Кейин ўз боласидан ўзи уялиб, тортиниб сўрайди: «Ўғлим, шаҳарлик қизга совчи юборамизми ё қишлоқлик қизга?»

Шунда Усмон яйраб кулиб, ҳазил билан жавоб беради:

– Қишлоқлик қизга-да, аяжон. Фақат сочи этаги билан баробар бўлсин.

Бу гапларга Холамбиби маҳлиё бўлиб қоларди ва тасаввурида ўша ҳайдар соч, киприги узун, қоши камон, кўзлари чўлпон келин, ўзидан ҳам баттар тортинчоқлик билан ҳовлисида юргандек бўларди. Энтикиб қўярди. Ҳеч ким йўғида келин учун йиққан сарполарини кўздан кечириб, яқин орада эгасига топшираман, деб ўйларди.

Усмон уйга ҳеч қачон бир ўзи кириб келмаган. Доим ўртоқлари билан келиб: «Аяжон, овқатинг тайёрми», деб сўрар, алламаҳалгача ўртоқлари билан ўтириб, кейин ёлғиз ўзи тонггача бир нарсаларни ёзгани ёзган эди. Холамбиби ҳеч қачон ўғлининг ёзувларини титмаган. Бу ёзувлар, бу таржималарда қандайдир улуғлик борлигига у ҳамиша ишонган.

У содда ва хокисор аёл эди. У ўғли ноҳақ қамалган она қайси маҳкамага мурожаат қилиши, қайси инсофсизнинг ёқасидан олиши кераклигини билмас эди.

У муқаддас китоб – Қуръони Каримда ёзилганидек, рисоладаги хотин эди. Шу қадар тоза эдики, болаларининг уст-бошларини қайта-қайта ювиш, ҳар кеч дазмоллаш, оёқ кийимларини ёғлаш, ҳатто иссиқ пайтавагача ямаш билан машғул бўларди. Айтишларича, Холамбиби ая уйига меҳмон бўлиб келган Усмоннинг ўртоқларининг пойабзалларигача тозалаб қўяр экан.

У саводли отинча эди. Саводли аёлларнинг ҳаммасини ҳам ўша пайтда отин деб аташмас эди. У ўзгаларга ҳеч қачон дарду ҳасрат қилмаган. У мурувватталабликдан жирканар, сотқинлардан кўз ёшларини ҳам қизғанар эди.

У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ўғлидан хат келгандан кейин борди. Ўғлининг уюшмада қолиб кетган асарлари ва «Умрим қамоқда ўтса ҳам Ўзбекистонда ўтсин» деб ёзган сатрлари онаизорни бу ерга етаклаб келди. Бу ерда зор қақшатадиган зарбага дуч келди:

«Кетинг! Мен Ватан хоинининг онаси билан гаплашишни истамайман. Ўғлингиз жувонмарг бўладиган бола эди».

Бу ҳақорат Холамбибининг кўз олдини хиралаштириб юборди. У пиллапояда қоқилиб-йиқилиб тушди. Энг пастки зинага ҳолсиз ўтирганча умрида биринчи марта «илоё...» деб қарғади.

1937 йил 14 июлда «Чақар» маҳалласидан НКВД миршаби Мунсуров томонидан олиб кетилган Усмон Носир 1943 йилда оқланди. Аммо 1944 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида яна қораланди. Бу оқлов ва қораловлар Холамбиби аяни ўтдан олиб, сувга ташларди.

Уни соғинч қийнарди. Соғинмайдиган боламиди унинг Усмони ахир! Табиат ўғлига ҳеч нарсани аямай берган эди: муҳаббатни, нафратни, ҳусnни, сезгирлик ва ҳалоллик, вазминлик ва чўрткесарликни... Хуллас, йигит зотига зарур бўлган ҳамма фазилатлар унда мужассам эди. Энг муҳими, у ватанпарвар эди.

* * *

Дарвоза тақиллайди. Холамбиби жонини ҳовучлаб дарвозага томон юради:

– Кимсан, эй меҳмон, қандай хабар билан келдинг?

– Уйингизни тинтув қилгани келдик.

– Майли, менга деса уйни бузиб, тупроғигача тинтув қилинглар. Фақат боланг ўлди, деган шум хабарни олиб келмасангиз бўлди.

Дарвоза тақиллайди. Холамбиби дарвоза томон юради:

– Кимсан?... Фақат боланг ўлди, демасанг бўлди.

*Махси ковуш кийиб, оқ рўмол ўраб,*
*Илтижо қилурман қиблага қараб:*
*Мендек яна борми тутдек тўкилган,*
*Ёлғиз боласининг умрини сўраб.*
*Садағанг кетайин, азиз меҳмоним,*
*Кел, сабр косам қонларга тўлди.*
*Жонимни ипакдек йўлингга тўшай,*
*Боланг ўлди, – дея келмасанг бўлди.*
*Кел, хабар келтиргил азиз меҳмоним,*
*Кел, илҳақ юрагим қонларга тўлди.*
*Тиригимда келгин, майли, ўлсам кел,*
*Усмон ўлди, дея келмасанг бўлди.*

*Шарқ аёлларининг кўнгли шундай* оқки, ул кўнгилдан дунёни безаш учун бисёр оқ гуллар тўкилади. Ва бу оқ гулларнинг илдизи қуримасдир. Усмон Носирнинг қабри Камеровада эканини унинг жияни, шоира Нодира Рашидова аниқлади. Муқаддас қабрдан келтирилган тупроққа таъзим учун бораётган ҳар бир зот «Ёрил тош»нинг ичидан чиққан оқ гулнинг ҳидлари – шеърларидан баҳраманддир.

Бу шеърлар Холамбиби аянинг кўзлари каби ёшлуғдир. Бу шеърлар Холамбиби аянинг этаклари каби тоза ва тавофга лойиқдир. Бу шеърлар Холамбиби аянинг этаклари мисоли ўзига чўзилган жирканч қўлларни шамолида йиқитгувчидир.

Муҳтарам дўст, сиз Усмон Носирнинг қабрига оқ гуллар қўяётиб ўйланг, сизнинг бу эъзозингиздан шоҳ Машраб юртида яна бир мунгли қабр шод бўлади. Ул гуллар юрти Наманганда кўз юмган Холамбиби Мулла Охун қизининг қабридир.

«Аям, бу дунёга бир фаришта мисол келиб кетдилар, айтадиларки, аёл киши қийинчиликларни енгган сари фариштага айланиб бораверар экан. Шу гап рост бўлса, аяжоним ҳар куни фариштага айланганлар. Раҳматли олдиндан айтганидек, ичига қон тўлиб кетган экан. Улар Наманганда ўз оналари жон берган супада оғзидан қон отилиб оламдан ўтди». (Холамбиби аянинг қизлари Роҳатхоннинг хотираларидан).

**НОСИРХОЖИНИНГ ОНАСИ ҲОШИЯХОН АЯ НИҲОЯТДА МУЛОЙИМ, ИПАК ТОВУШЛИ ХОЛАМБИБИНИ «ЎРИК КЕЛИНИМ» ДЕБ АТАРДИ. ЎРИК КЕЛИН БУ ДАРГОҲДА САВОД ЧИҚАРДИ, ОТИНЧА БЎЛДИ. ФОРС ВА АРАБ ТИЛЛАРИНИ МУКАММАЛ ЎРГАНДИ. БЕШ ОВСИН БИР ҲОВЛИДА АҲИЛ-ИНОҚ ЯШАРДИЛАР. 1918-1928 ЙИЛЛАР ОРАСИДА НОСИРХОЖИ 7-ТУРКИСТОН ЎҚЧИ БРИГАДАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИ ТУФАЙЛИ ОИЛАСИНИ ҚЎҚОНГА КЎЧИРИБ КЕЛДИ. УЛАРНИНГ ОИЛАСИ ҚЎҚОНДА УЧТАГА КЎПАЙДИ. УЧАЛАСИ ҲАМ ҚИЗ. 1918 ЙИЛ РАВЗАХОН, 1922 ЙИЛ РОҲАТХОН, 1926 ЙИЛДА ИНОБАТХОН ДУНЁГА КЕЛДИ. ХОЛАМБИБИ 6 ЯШАР УСМОНГА ФОРС-ТОЖИК ТИЛИНИ ҲАМ ЎРГАТДИ.**

«Бувим умрининг охирги кунларида китоблардан қўрқадиган бўлиб қолган эдилар. Мен китобдан бош кўтармай қолсам, «Болагинам, сен ҳам тоғангдек китобга ўчсан, сени ҳам тоғангдек қийнамасалар эди, қўй, жонимга оғриқ солма, кел, ундан кўра Фузулийдан ўқиб бера қолай» дер эдилар. Шунда: «Вой, бувижон, Фузулий ҳам китобни яхши кўрган-ку», десам, «Қандоқ қилай, болажон, китобни яхши кўрган одамнинг душмани ҳам кўп бўлар экан» деб кўз ёши қилардилар.

Усмон тоғамнинг юраги онасиникига ўхшаш, кўринишлари бувимнинг уруғлариникига ўхшаш бўлган. Бувимнинг айтишича, Усмон Носир туғилгач, қирқ кун эммаган, энди ўлади деган кунларидан эма бошлаган. У ҳаётда ҳам энди ўлди деган кундан бошлаб ўлмаслигини исбот қилиб кетди. Иншоолloҳ, абадий шундай бўлгай». (Усмон Носирнинг жияни Нодира Рашидова хотирасидан).

Мен бу ёзувларни баҳорда, Рамазон ҳайити куни, тонгда қоғозга туширдим. Бу тонг Тошкентдаги Жомий масжидида Қуръони Карим янграмоқда эди. Имон келтирдимки, субҳ – саболари аро бу саҳар бир-бирини кўришга зор кетган икки инсоннинг руҳи: Усмон Носир ва Холамбиби аянинг руҳлари учрашди.

Кўз ўнгимда ипакдек мулойим, осойишта одим босувчи, ўрик гулидек нафиса, Холамбиби ая сиймоси намоён бўлди.



**Зулфия МЎМИНОВА,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

## Журналнинг янги сони



**«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2-сони долзарб мавзу – кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли қонунчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислоҳотларга бағишланган.**

# Хотин-қизлари қадр топган юрт

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоеванинг мақоласида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ва истиқболли режалар баён этилган.

«Аёлларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари» рукни остида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Маҳкамова, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Ҳусанов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисод фанлари доктори Г.Абдураҳмонова ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилинган.

Шунингдек, «Жамият ва ҳуқуқ», «Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон тажрибаси» рукнлари остида таниқли олимлар – Қозон федерал ҳуқуқ университети профессори А.Абдулин, Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқшунослар малакасини ошириш маркази профессори Л.Саидова, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти ходими Ҳ.Юнусов ва бошқаларнинг илмий мақолалари билан танишишингиз мумкин.



**Диёра РАВШАНОВА**

## Биласизми?

# Мутолаанинг ҳам ўз қоидалари бор

**Инсон саломатлиги учун жисмоний машқлар қилиши лозим бўлганидек, мия доимий фаолиятда бўлиши учун кўпроқ китоб ўқиш керак. Китоб мутолааси кўнгил хоҳиши билан боғлиқ машғулот. Мутолаада бир неча қоидаларга амал қилсак, ўқиётган китобимизни тезроқ тушуниш ва узоқ муддатга эсда сақлаб қолиш имконига эга бўламиз.**



Демак:

1. Энг аввало, мутолаа олдидан сизга халақит берувчи воситалардан чекланинг (телефон, гаджет, телевизор ва ҳ.к.). Психолог, нейрофизиолог Робин Данбар инсон фикрини тўлиқ жамлаб олиши учун 23 дақиқа керак бўлишини, агар шу вақт оралиғида бирон нимага чалғиса, фикрни қайта жамлаш учун яна 13 дақиқа кетишини ўз тадқиқотлари орқали асослаб берган. Хуллас, сиз ўқиш ёки изланиш жараёнида чалғитувчи нарсалардан воз кечмасангиз, кўзлаган мақсадингизга эришмаслигингиз мумкин.

2. Китоб ўқиш учун қулай жойлашиб олинг. Чунки, тананинг ҳар қандай жойлашувида биохимик реакциялар рўй беради. Масалан, ётган ҳолатда бўлсак, танада дам олиш, ухлашга майл уйғотади. Тик ҳолатда ҳам маълумот олиш даражаси бироз пастроқ бўлади. Ўтирган ҳолатда эса, тана ақлий юкламани ҳис қилади. Демак, миянинг фаоллиги бизнинг ўтирган ҳолатимизда рўй берар экан. Шунинг учун ҳам мутахассислар ўтириб ўқишни тавсия қилишади.

3. Мия ноаниқликни хуш кўрмайди. Шу сабабли ўқиш чегараларини аниқлаб олиш керак. Яъни А ва Б нуқталарини. Сиз китобдан неча саҳифа ўқимоқчилигингизни белгилаб олинг. Шундагина мия максимал даражада фаол ишлайди. Бу эса жуда муҳимдир.

**Севара ЭШОНҚУЛОВА**
тайёрлади

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ** *(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,**
**Анвар АБДУМУХТОРОВ,**
**Сайфулло АҲМЕДОВ,**
**Акмал САИДОВ,**
**Равшан БЕДИЛОВ,**
**Қутлимурот СОБИРОВ,**
**Суҳроб РАФИҚОВ,**
**Шоқосим ШОИСЛОМОВ,**
**Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,**
**Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,**
**Анвар ҚУЛМУРОДОВ** *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ** *(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК** *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** – (+998-91) 406-43-24
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** З. Рихсиев

**Мусаҳҳиҳ:** У. Худойберганова

**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **01:00**
Топширилди – **01:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **V- 5198**
**34287** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130